Гос. библиотека палата УзССР

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИЙЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

29 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, ЧОРШАНБА № 222 (2.628). Баҳоси 3 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ОЗАРБАЙЖОН ССР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Суҳбат пайти.

С. Смирнов фотоси («Известия»).

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Бокуда Озарбайжон ССР раҳбарлари билан учрашди. Бўлиб ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Н. Сейдов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолика кандидатлари, Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари қатнашдилар.

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин ҳам ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ **Л. И. Брежнев** учрашув қатнашчиларига мурожаат этиб, бундай деди:

Сизлар билан ҳар галги учрашув чоғида биз партиямиз белгилаган планларни бажариш юзасидан республикада қилинган ишларни якунлашимиз одат тусига кириб қолди. Бу нарса муваффақиятларни баҳолаш, камчиликларни кўриб бориш, уларни тугатиш чораларини белгилаш имконини беради.

Менинг Бокуга сўнгги бор 1978 йил сентябрида келганимдан бери нисбатан уничалик кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо бу вақт ичида катта ва муҳим воқеалар жуда кўп бўлди.

Мен аввало КПСС XXVI съездини назарда тутаман. Бу съезд қабул қилган қарорлар комил ишонч билан Ленин йўлидан бораётган партия ва халқнинг бутун фаолиятига асос қилиб олинганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили тугай деб қолди. Бу йилда экономикамиз янада ўсди, одамларнинг фаровонлиги ошди.

Шу билан бирга биз экономиканинг қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт сингари соҳаларидаги жиддий проблемаларни ҳал қилаётганлигимиз сизларга маълум. Партия билан ҳукумат бу масалаларни диққат марказида тутмоқдалар. Ҳозир, жумладан КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини, мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш соҳасида катта иш авж олдириб юборилди.

Коммунистик партиянинг сиёсатини халқ якдиллик билан қўллаб-қувватламоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Советларига июнь ойида ўтказилган сайлов якунлари ҳам шундан далолат беради.

Кўп миллатли Ватанимизнинг катта байрами — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги йилимизни якунлайди. Совет кишилари бу байрамни муносиб кутиб олмоқдалар.

Мамлакатимиз экономикаси, фани, маданиятини ривожлантиришга Озарбайжон ССР катта ҳисса қўшмоқда. Янги беш йилликда республика саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, айниқса пахта, узум, сабзавот етиштиришда яхши натижаларга эришди. Давлат ажратиб берган маблағдан самарали фойдаланилмоқда. Республикада бир талай яхши ташаббуслар юзага келди, бу ташаббуслар мамлакатда эътироф этилди.

Умуман биз Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг, ўртоқ Гейдар Алиевич Алиев бошчилигидаги Марказий Комитет бюросининг, республика Олий Совети ва Министрлар Советининг ишини юқори баҳолаймиз. Сизларнинг ташаббускорлик билан ижодий ишлашиштиёқингиз, янгиликни излашингиз қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Бу — чинакам партиявий ишчанликдир.

Аммо биз, коммунистларнинг анъанамиз шуки, эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолаш билан бирга бутун диққат-эътиборни камчиликларга қаратамиз, ҳал этилмаган масалалар тўғрисида ўйлаймиз. Келинглар, ҳозир ҳам шундай қилайлик.

Озарбайжон саноатини, конкрет равишда республикада нефть қазиб чиқариши олиб қўрайлик. Нефть қазиб олишни ривожлантиришда сизларда бирмунча турғунлик ҳукм сурмоқда. Бу нарса кўп жиҳатдан мазкур тармоқнинг техника билан қайта қуролланиши паст суръатлари билан изоҳланади. Бу аҳволни тузатиб олиш кўп жиҳатдан сизларнинг ташаббусингиз ва қатъиятингизга ҳам боғлиқ. Денгизнинг соҳилга яқин саёз жойидаги конлардан фойдаланиш даражаси ҳали замонавий талабларга, фан ва техника ютуқларига мувофиқ эмас.

Биз кўздан кечирган сув тўбини чуқур пармалайдиган платформа яхши иншоот бўлса ҳам, аммо бунинг биринчи қалдирғочгина деса бўлади. Ёки дастлабки қалдирғочлардан бири деса бўлади. Вазифа — Каспий денгизида нефть ва газ қазиб чиқариш учун янги техника воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама жадаллаштиришдан иборат. Жумладан, сизлар республикада қурилаётган сув тўбида чуқур кон-қудуқлар пармаловчи турғун платформалар тайёрлайдиган заводни тезроқ қуриб битказиш учун ҳаракат қилишингиз керак.

Нефть каби қимматли хом ашёдан, айниқса сизнинг регионингиздаги нефтдан оқилона фойдаланиш ҳам жуда муҳим, албатта. Нефтни қайта ишлашни янада чуқурлаштиришни таъминлаш зарур. Нефть маҳсулотлари ва айниқса, сурков мойлари сифатини яхшилаш керак. Нефть химияси маҳсулоти ишлаб чиқариладиган хом ашё ресурсларини кўпайтириш лозим.

(Давоми иккинчи бетда).

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Барча совет кишилари сингари Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини тантанали равишда нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари мамлакат халқларининг қардошлик оиласида юбилей олди зардбор вахтасида туриб, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Республикада «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зардбор ҳафта!» шиори остида мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Кўпгина меҳнат коллективлари 1982 йилги халқ хўжалик планларини муддатидан илгари. Улуғ Октябрнинг 65 йиллигигача бажаришга, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача, икки ярим йиллик ва уч йиллик топшириқни адо этишга интилмоқдалар.

Ленин партияси, совет тузуми тарбиялаб вояга етказган, чинакам ватанпарвар ва интернационалист бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР пойтахти, қаҳрамон шаҳар Москва меҳнат коллективларининг ССР Иттифоқи юбилейига бағишлаб 18 декабрда Коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини зўр шавқ-завқ билан қўллаб-қувватладилар. Бу ташаббус муҳим иқтисодий, сиёсий ва тарбиявий аҳамиятга эгадир. Меҳнаткашларнинг кўп миллатли Совет давлатининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш муддаосида уларнинг юксак сиёсий етуклиги, ватанпарварлик ва интернационал бурчини чуқур англаши, коммунизм идеалларига садоқати ёрқин намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети меҳнаткашларнинг истакларини қўллаб-қувватлаб:

1982 йил 18 декабрда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган республика Коммунистик шанбалигини ўтказишга қарор қилдилар.

Областларда, шаҳарларда, районларда, меҳнат коллективларида, министрликлар ва идораларда Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиялари ҳамда штабларини тузиш тавсия этилди. Ҳамма жойда, корхоналарда, колхоз ва совхозларда, қурилишларда, муассаса ва ташкилотларда москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусини муҳокама қилишга бағишланган ишчилар йиғилишларини ўтказиш, шанбалик куни учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиш лозим. Шанбаликнинг ҳар бир қатнашчиси энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиши учун барча шароитни яратиб бериш, иш кўламини тайёрлаш, етарли миқдорда хом ашё, материал, асбоб-ускуна ва инвентар билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш керак.

Партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига Коммунистик шанбалик қатнашчиларининг социалистик мусобақасини авж олдириш, ўн биринчи беш йиллик фондига энг кўп миқдорда маблағ ажратишни таъминлаш топширилди. Меҳнат байрамига тайёргарлик кўриш давомида меҳнат коллективларининг диққат-эътиборини асосий иқтисодий вазифалардан бирини ҳал этишга — энг кам чиқим билан юқори пировард натижаларга эришишга қаратиш зарур. Шанбалик кунида иш вақтининг зое кетишига йўл қўйилмасин.

Республика Коммунистик шанбалигига қатнашиш меҳнаткашларда коллективизм, ижтимоий бурчга садоқат, бегаразлик, совет киши — СССР граждани деган номдан фахрланиш туйғуларини тарбиялаш лозим. Коммунистик шанбаликнинг аҳамияти, меҳнат анъаналари ва совет қардош халқларининг ягона оиласида эришилган ютуқлари тўғрисида оғзаки ва кўргазмали агитацияни, лекция пропагандасини кучайтириш чоралари кўрилсин.

Газета ва журналларнинг редакцияларига, телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига, ЎзТАГга СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб, 1982 йил 18 декабрда республика коммунистик шанбалигига умумхалқ тайёргарлигини ва уни ўтказишни кенг ёритишни ташкил этиш таклиф этилди.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети Совет Социалистик Республикалари ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб 1982 йил 18 декабрда ўтказиладиган республика Коммунистик шанбалиги Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг Коммунистик партия ва тинчлик ҳамда коммунизм учун атоқли курашчи, Ленин ишининг содиқ давомчиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет теварагига жипслашганлигининг янги намойишига айланади. 1982 йил ва умуман беш йиллик топшириқларини бажаришга республиканинг муносиб ҳиссаси бўлади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ Москвага қайтиб келди

БОКУ, 27 сентябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Бокудан Москвага жўнаб кетди. У Озарбайжон СССРга Ленин ордени топширишига бағишланган тантаналарда қатнашди.

Аэропортга бутун бориш йўлида Озарбайжон пойтахтининг кўчалари ва майдонларида минг-минглаб шаҳар аҳолиси Леонид Ильич Брежневни самимий табриклади.

Республиканинг донгдор кишилари, партия ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий бошлиқлар аэропортга йиғилганлар. Улар Леонид Ильичга оқ йўл тилаб қолдилар.

Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Брежневга рапорт берди. СССР ва Озарбайжон ССР Давлат гимнлари ижро этилди. Пионерлар Леонид Ильичга гулдасталар тутқиздилар.

Самолёт зинапояси олдида ўртоқ Л. И. Брежневни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. А. Халилов, республика Министрлар Советининг Раиси Г. Н. Сейдов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари кузатиб қолдилар.

Леонид Ильич кузатиб қолувчилар билан самимий хайрлашди.

Самолёт Москва сари йўл олади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец жўнаб кетдилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шу куни Москвага қайтиб келди.

Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни М. С. Горбачев, В. В. Гришин, К. У. Черненко, В. И. Долгих, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, В. М. Зимянин, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари Г. С. Павлов, Г. К. Цинев, Г. Э. Цуканов, Н. А. Шчелоков, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. В. Федорчук, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин, бошқа ўртоқлар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда кўп миллатли совет адабиёти фестивали қатнашчиларини 28 сентябрь куни қабул қилди. У республика меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми улуғвор қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиб ўтган тантаналарда берган йўл-йўриқлари ва билдирган истакларини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисида Москва, Ленинград, қардош республикалардан келган ёзувчиларга гапириб берди.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚУРИЛИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИ УЧУН

ҚАРШИ, 27 сентябрь. (ЎзТАГ). Қашқадарё областининг шаҳар ва қишлоқлари тобора кўркамлашмоқда. Қарши дашти кенг қўламда ўзлаштирилмоқда. Бу ерда қурилиш индустриясининг катта базаси барпо этилди, янги қувватлар ишга туширилмоқда, бу эса қўриқ ерларда посёлкалар бунёд этишни жадаллаштириш, қурилиш ишларини республика жанубининг иқлим ва демографик хусусиятларини ҳисобга олиб амалга ошириш имконини беради. Қашқадарё область бинокорлари кенгашининг қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Улар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар. Кенгашни область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Ғойипов очди.

Областдаги қурилиш ташкилотларининг иши тўғрисида ахборот берган область партия комитетининг иккинчи секретари И. И. Головачев, шунингдек Главсредазирсовхозстрой бошлиғи Н. Р. Ҳамроев, Ўзбекистон ССР Госснаби раиси Т. Я. Шарипов, Бутуниттифоқ «Союзузбекгазпром» саноат бирлашмасининг бошлиғи А. Р. Отажонов, Ўзбекистон ССР қурилиш министрининг биринчи ўринбосари Ю. Г. Чернов, Қашқадарё область ижроия комитети капитал қурилиш бўлими бошлиғи Х. Турсунқулов, «Каршиирстепстрой» бирлашмасининг бошлиғи М. К. Аблязизов ўз нутқларида бинокорлар область ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшаётганликларини уқтириб ўтдилар. Кейинги вақтларда Косон ёғ-экстракция заводи, «Шуртангаз» газ қазиб чиқариш комплекси, Муборак газ қазиб чиқариш заводининг ишчи навбати сингари катта объектлар, бир қанча бошқа муҳим саноат ва социал-маиший объектлар, кўп миқдорда уй-жойлар ишга туширилди.

Бинокорлар мамлакатнинг Озиқ-овқат программасини бажариш йўлида зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумидан кейин областнинг қурилиш ташкилотларида кўпгина қимматли ташаббуслар вужудга келди. Бу ташаббусларнинг асосий мазмуни ишга тушириладиган объектларни ўз вақтида ва муддатидан илгари фойдаланишга топширишга эришишдан, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини янгидан-янги меҳнат ютуқлари билан нишонлашдан иборатдир.

«Каршистрой» бошқармасининг қурувчилари ва монтажчилари, «Эскиангарканалстрой», «Мубарекгазпромстрой» трестларининг, область йўл бошқармасининг коллективлари юбилей вахтасида туриб муваффақиятли ишламоқдалар. Бу коллективларда бригада пудрати тобора кенг қулоч ёзмоқда.

Кенгаш иштирокчилари эришилган муваффақиятларни қайд этиш билан бир қаторда, камчиликлар тўғрисида, фойдаланилмаётган мавжуд резервлар ҳақида гапирдилар. Баъзи қурилиш ташкилотлари планнинг бажарилишини таъминламаяптилар. Объектларни ишга жуда кеч туширмоқдалар. Бу гап, аввало «Гидрострой», «Целинстрой», «Каршипромжилстрой», «Водстрой» трестларининг бўлинмаларига тааллуқлидир. Шу бўлинмаларнинг айби билан Шўртан ва Зеварда газ конденсат конларида турли объектлар қуриш ишларини олиб бориш, Қамаши ўрдак боқиш комплексини қуриш ва бошқа муҳим объектларни барпо этиш ишлари орқада қолмоқда. Косон, Толимаржон, Шаҳрисабз, Баҳористон ва Муборак районларида мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари, бир қанча социал-маиший объектларни ишга туширишнинг ҳолати танқид қилинди.

Область бинокорлари олдида деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари, ғоят муҳим вазифа турибди. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизга учинчи Ленин ордени топшириш вақтида Тошкентдаги тантаналарда берган йўл-йўриқлари ва тавсияларига амал қилиб, беш йилликнинг иккинчи йили программасини барча кўрсаткичлар бўйича бажаришлари, бинокорлик материаллари, энергетика ресурсларидан самаралироқ фойдаланишлар, объектларнинг тайёрлигини пасайтиришлари, иш сифатини оширишлари лозим. Бу йил 280 миллион сўмлик асосий фондларни ишга туширди, 240 миллион сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш зарур. Сут заводи, область марказида 300 ўринли меҳмонхона, музикали драма театри, Қамаши районида ўрдакчилик комплекси, Шўртан ва Зеварда газ конденсат конлари юбилей йилида ишга тушириладиган муҳим объектлардир.

Буюртмачи министрликлар ва идоралар, дейишди сўзга чиққан ўртоқлар, ишга туширишлар ва объектларни ускуналар ва махсус материаллар билан комплектлашни жадаллаштиришлари, ишлатувчи ходимларни тайёрлашни, қурилиш, монтаж ва ишга туширишни, созлаш ишларини белгиланган муддатда тугаллашда уларнинг қатнашишини таъминлашлари керак. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қурилишларда, топшириқлар ва графикларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатишлари, юксак унумлиишлаш учун зарур шароитларни яратиш соҳасида хўжалик раҳбарларига инсбатан талабчанликни оширишлари, ташкилотчилик ва оммавий сиёсий ишларни кучайтиришлари, объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари зарур.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. К. Михайлов иштирок этди.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	5,21	64,04	4,68	53,93
Хоразм	2,30	57,45	2,55	32,83
Бухоро	2,09	56,34	1,15	11,85
ҚҚАССР	2,85	43,76	2,71	28,52
Сурхондарё	2,30	46,52	1,60	27,51
Навоий	2,48	43,42	2,29	17,61
Наманган	2,26	39,05	1,83	17,65
Андижон	2,47	37,71	1,84	8,78
Фарғона	2,15	36,46	0,99	9,15
Қашқадарё	2,20	35,64	1,61	16,89
Сирдарё	4,36	34,69	5,27	38,62
Самарқанд	2,01	34,54	1,27	16,14
Жиззах	3,77	32,56	4,35	33,75
Республика бўйича	2,73	43,13	2,45	24,63
Шу жумладан нигичка толали пахта				
Наманган	4,44	48,86	—	2,87
Навоий	2,48	48,32	—	—
Сурхондарё	3,02	47,97	2,79	31,71
Бухоро	2,10	27,81	—	—
Қашқадарё	2,43	27,79	1,02	5,04
Республика бўйича	2,78	40,74	1,95	20,18

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ОЗАРБАЙЖОН ССР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

(Боши биринчи бетда).

Бунинг учун ҳозир республикангизда зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Нефтни қайта ишлаш саноатини тубдан реконструкция қилиш ва модернизациялашнинг республика партия ташкилоти белгилаган программаси турмушга татбиқ этилмоқда. Ҳозирча эса, ўртоқлар, республика заводлари нефть маҳсулотларининг қарийб ярмисини мазут тарзида бермоқда. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, албатта.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат жиҳатдан янги даражаси ишлаб чиқаришнинг янги техникавий даражасига мувофиқ бўлиши керак. Техника тараққиётининг моҳияти мана шундан иборат, нефтнигина эмас, шу билан бирга бошқа барча моддий ресурсларни ҳам оқилона ишлатиш ва тежашга ҳаракат қилиш лозим, албатта. Ўртоқлар, сизлар бу жуда катта вазифани ҳал этишда ҳам қатъият ва юксак натижадорлик намунасини кўрсатасизлар деб умид қиламан.

Модомки биз табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида гап очган эканмиз, ер остидан чиқадиган иссиқ сувлар каби энергия таъминоти манбаининг ҳам имкониятларини ўрганишни маслаҳат берур эдим. Республикангизда бундай сувлар кўпу ахир. Улардан уй-жой ва ишлаб чиқариш биноларини, теплица хўжаликларини иссиқлик билан таъминлаш учун фойдаланса бўлмайдими? Чамаси бу иш билан шуғулланса арзийди.

Яна бир муҳим масала. Республикада маҳсулот реализация қилиш планини бажармайдиган корхоналар камайди. Ҳозир улар 4,4 процентдан ошмайди. Аммо бу кўрсаткичга маҳсулот етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилишини эътиборга олиб қаралса, мутлақо бошқача манзара кўзга ташланади — қолоқ корхоналар оз эмас. Буни тартиб деб бўлмайди, ўртоқлар. Бу — ишлаб чиқариш маромини издан чиқаради ва пировард натижада халқ хўжалигига зарар етказади, план интизомини путурдан кетказади.

Шартномавий мажбуриятлар обрўсини ошириш, ёндош касб соҳибларини ҳурмат қилиш керак. Хўжалик раҳбарлари ҳам, партия комитетлари ҳам, бошланғич партия ташкилотлари ҳам бу соҳада яхши ишлашлари лозим.

Энди қишлоқ хўжалигига ўтаман. Озарбайжондаги бу тармоқнинг барқарор суръатлар билан ривожланаётганини қайд этиб ўтдим. Бу йил пахта, дон, узум ва сабзавот етиштириш планлари анча оширилиб бажарилажагини менга айтишди. Бу — Озарбайжон деҳқонларининг мамлакат Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришга қўшган яхши ҳиссаси бўлади.

Яқинда КПСС Марказий Комитети партия, совет, хўжалик органларининг, олимларнинг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг диққат-эътиборини яна мамлакатда дон ва ем-хашак ишлаб чиқаришни кўпайтиришга доир туб тадбирларни амалга ошириш масалаларига қаратишни зарур деб топди. Шу ўринда мен халқимизнинг асосий бойлиги бўлмиш ерга муносабат хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ишни омилкорлик билан, илмий асосда юритиш замирида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришнинг катта-катта резервлари яшириниб ётибди.

Масалан, суғориладиган ерларни олиб кўрайлик. Ҳозир Озарбайжонда 1,2 миллиондан кўпроқ мана шундай ер бор. Аммо улардан олинаётган самара ҳали етарли эмас, суғориладиган ерлардаги дон экинларининг ҳосилдорлиги ҳамон паст. Суғориладиган ерларнинг шўр босганлиги бўйнинг сабабларидан биридир. Шўр ювиш суст олиб борилмоқда. Суғориш маданиятининг паст бўлишига йўл қўйилмоқда. Ариқ ва зовурларнинг анчагина қисми ёмон ҳолатда сақланмоқда.

Хўжасизликка тоқат қилиб бўлмайди, Ўртоқлар. Республика партия ташкилоти сифат жиҳатдан янги вазифани, суғориладиган ҳар гектар ердан йилига икки-уч ҳосил олиш вазифасини ҳал этишни кўзлаши лозим. Буни партиянинг топшириғи деб билинглар.

Чорвачиликда ҳам бир талай резервлар бор. Гарчи кейинги йилларда кўпроқ гўшт ва сут ола бошлаган бўлсангизлар ҳам республиканинг кўпгина колхоз ва совхозларида чорванинг маҳсулдорлиги ҳали ҳам ниҳоятда паст эмас. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, ўртоқлар. Бу — ишлаб чиқариш маромини издан чиқаради ва пировард натижада халқ хўжалигига зарар етказади, план интизомини путурдан кетказади.

Ем-хашак базасининг заифлиги, етарли равишда ем-хашак тайёрланмаётганлиги чорвачиликдаги камчиликларга кўп жиҳатдан сабаб бўлмоқда. Ем-хашак етиштириш, асраш ва қайта ишлаш технологиясини бузиш оқибатида ем-хашак таркибидаги тўйимли моддаларнинг анчагина қисми нобуд бўлмоқда. Республикада ўрта ҳисобда ҳар уч-тўрт хўжаликка битта ем-хашак цехи тўғри келади. Мутахассислар ва хўжалик раҳбарлари, партия ва совет органлари ўйлаб кўрадиган ишлар борлигини кўриб турибсизлар.

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида сизлар чорвачиликнинг ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил этиб, уни интенсивлашнинг узоқ муддатли комплекс программасини белгилаганлигингиз менга маълум. Бу — ўз вақтида қўйилган тўғри қадамдир.

Бошқа масалалар ҳам бор, ўртоқлар. Бу масалалар ҳам экономика учун, социал ривожланиш учун муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, сизлар капитал қурилиш ва транспортнинг бир қанча соҳаларида ишни яхшилаб олишингиз керак. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилаш вазифаси ҳамон актуаллигича қолмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев совет қонунларини ва социалистик ахлоқни бузиш ҳолларига қарши курашнинг актуаллиги тўғрисида гапириб бундай деди: хўжалик ва маъмурий бўғинларнинг бир қанчасида ҳали ҳам жиноятчиларнинг халқ мулкини талон-тарож қилишига, давлатга зарар етказишига, жамият манфаатларига зид ҳаракатлар қилишларига имконият берадиган шарт-шароитлар сақланиб қолмоқда. Жамият учун зарарли ва хатарли бўлган мана шу ҳодисаларга қарши ҳамма йўллар бўйлаб курашни янада кўпроқ кучайтиришсизларнинг бевосита бурчингиздир, деб таъкидлади у. Шу пайтгача қилинган ишлар билан кифояланиб қолиш асло ярамайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзининг охирида бундай деди:

Республика партия ташкилоти сафларида 545 мингдан кўпроқ коммунист бор. У ҳамма партиямизнинг жанговар кучи бўлиб келган. Республика Компартияси Марказий Комитети ҳамма ишларда шаҳар ва район комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига таяниб тўғри йўл тутмоқда. Мана шу энг муҳим бўғинларнинг активлигини бундан буён ҳам ҳар томонлама ошириш, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш, уларга ёрдам ва мадад бериш керак.

Келгусида қилинадиган ишлар кўп, ўртоқлар, республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари янги куч-ғайрат сарфлашлари лозим бўлади. Леонид Ильич республика раҳбарларига, Озарбайжоннинг барча меҳнаткашларига келгусидаги ишларда катта муваффақиятлар тилади.

Сўнгра ўртоқ **Г. А. Алиев** сўз олиб бундай деди:

Леонид Ильич, Сиз доимо одамлар билан, маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари билан алоқа қилиб турибсиз, ҳар бир республиканинг, мамлакатдаги ҳар бир область, регионнинг ишлари ва юмушларига зўр эътибор билан қараяпсиз. Бу яхши анъана Сизнинг чинакам ленинча иш услубингиз тимсолидир. Мана шу анъанага амал қилиб Сиз Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари билан, республикамиз раҳбарлари билан яна, энди учинчи марта учрашяпсиз. Сизнинг Озарбайжонга ҳар галги келишингиз, меҳнаткашлар билан, активлар билан суҳбатларингиз, кўрсатмаларингиз билан тилакларингиз Сизнинг ишга ижобий ёндашишингизни, оммани партия белгилаб берган вазифалар ва режаларни муваффақиятли ҳал этишга сафарбар қилиш маҳоратингизни яққол кўрсатиб турибди. Сиз билан учрашувлар биз учун партиявий-ташкилий ишнинг ғоят сермазмун мактаби, тарбия мактаби бўлиб қолди, бу учрашувлар ишларнинг аҳволини илмий таҳлил этиш, янги қарорлар стратегиясини, уларни амалга ошириш тактикасини ишлаб чиқиш намуналаридир.

Сизнинг Озарбайжон тўғрисидаги партиявий гамхўрлик руҳи билан суғорилган чуқур мазмунли нутқингизни зўр эътибор билан тингладик. Партия ташкилоти фаолиятига, республикаминг иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажаришдаги муваффақиятларига Сиз берган юксак баҳо, Сизнинг тавсияларингиз ва мутлақо ҳаққоний танқидий мулоҳазаларингиз партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан Сиз, Леонид Ильич томонидан бизга берилган янги жуда катта ёрдамдир, коммунистларнинг, бутун Озарбайжон халқининг бундан буёнги жанговар иш программасидир. Ҳамма йўл-йўриқларингиз ва кўрсатмаларингиз Озарбайжон меҳнаткашларининг ишларида рўёбга чиқарилади, деб ваъда беришга ижозат этгайсиз.

Сўнгра ўртоқ Алиев республика бу йили план ва социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганлиги тўғрисида ахборот берди, Озарбайжон партия ташкилоти ҳал этаётган масалаларга тўхталиб ўтди. Ҳозир, деди у, асосий диққат-эътибор саноатнинг структурасини такомиллаштиришга, ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишга, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга, жиноятчиликка қарши, социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашни кучайтиришга, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш соҳасидаги ишга қаратилган.

Етмишинчи йилларда Озарбайжоннинг умумиттифоқ экономикасига кўшган ҳиссаси анча кўпайганлиги, мамлакат миллий даромадини ҳосил қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришда республиканинг салмоғи ўсганлиги бизни қувонтиради.

Бизнинг муваффақиятларимиз — партия доно миллий сиёсатининг, СССР халқлари дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг натижасидир. Ҳамма йиллар мобайнида биз мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг, айниқса оғамиз — улуғ рус халқининг қудратли мададини сезиб келяпмиз.

Қилинган ишлар тўғрисида маълумот бериш билан бирга ҳали ишимизда кўпгина камчилик ва нуқсонлар борлигини, республика фойдаланилмаётган катта резервларга эга эканлигини ҳам равшан англаб турибмиз. Бугун Сиз бизни мутлақо ҳаққли равишда танқид қилдингиз. Биз камчиликларни тугатиш, ҳамма соҳалардаги ишимизни такомиллаштириш учун барча чораларни кўрамиз.

Ўртоқ Алиев Озарбайжон халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг актуал проблемаларига, чунончи, республика нефть ва газни қайта ишлаш саноатини техника билан қайта қуроллантириш, электр энергия ҳосил қилишни, жумладан атом электр станцияси қуриш ҳисобига кўпайтириш проблемаларига, республикани минерал ўғит, қишлоқ хўжалик техникаси, зотдор чорва моллар билан таъминлаш масалаларига тўхталиб ўтди.

Азиз Леонид Ильич, Сиз билан бўлган суҳбат бизга қудратли куч-қувват бахш этди, бу суҳбат меҳнаткашлар оммасини КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида зўр иштиёқ билан ишлашга сафарбар қилишнинг ҳаётбахш омили бўлиб қолади, деди сўзининг охирида Ўртоқ Г. А. Алиев. Сиз ўртага қўйган вазифаларни биз Марказий Комитет бюросида чуқур таҳлил этиб, уларни турмушга татбиқ этиш тадбирларини белгилаб оламиз, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида, барча партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида бу вазифаларни атрофлича муҳокама қиламиз. Биз ўзимиз орттирган тажрибага, ҳозирги беш йилликдаги ишлар муваффақиятли бораётганлигига асосланиб, Сизга ваъда бериб айтамизки: Озарбайжон меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликни ҳам муддатидан илгари бажарадилар. Озарбайжон Коммунистик партияси, республикамиз меҳнаткашларининг бутун интернационал коллективи коммунистик қурилиш умумхалқ ишига қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтириш учун куч ва ғайратларини аямайдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

(Боши биринчи бетда)

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини Ўзбекистон экономика ва маданиятнинг барча соҳаларида катта муваффақиятлар билан кутиб олаётганлиги суҳбат чоғида таъкидлаб ўтилди. Ана шу барча ютуқлар — ленинча миллий сиёсат тантанасининг, совет қардош халқлари бузилмас дўстлиги буюк бунёдкорлик кучининг, кўп миллатли Ватанимиз барча миллат ва элатлари ўзаро ёрдамининг ёрқин мисолидир. Ўзбек халқи маънавий маданиятнинг бундай юксак даражасига ажойиб воқелигимиз туфайли, шаклан миллий, мазмунан социалистик бўлган, биродарлашган ва уйғун бирлашган барча совет миллий маданиятларининг тажрибаси ва катта ютуқлари туфайли эришилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакат бойликларини кўпайтиришга қўшаётган ҳиссасини тинмай ошириб боришни, жонажон диёр неъматлари билан Ватан омборларини тўлдиришни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди. Бу эса аввало — «оқ олтин»дир. Республика меҳнаткашлари шу юбилей йилида қабул қилган ўз мажбуриятларини шараф билан бажаришга, бутун дунёда тинчликнинг мустаҳкам таянчи — социалистик Ватан қудратини мустаҳкамлашга аҳду паймон қилишган.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда маданиятнинг ривожланиши тўғрисида гапириб, у Октябрнинг дастлабки нурлари билан қаддини ростлади, социализмнинг маънавий бойликлари, бошқа қардош халқларнинг ва аввало улуғ рус халқининг тажрибаси билан бойиди, деб таъкидлади.

Ўзувчининг, халқ олдидаги масъулияти катта. У ғоявий эътиқодни, граждан активлигини ҳамда инсон ва жамиятнинг юксак ахлоқини тарбиялаш учун жавобгардир. Ёзувчи шахсан ҳар томонлама камолга етказиш учун, энг инсонпарвар совет турмуш тарзини қарор топтириш учун юксак даражада жавобгардир. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш практикаси билан ижодий алоқалари тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида бу нарса яна бир бор зўр куч билан таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда фестиваль катта муваффақият билан ўтмоқда. У Совет адабиётлари дўстлиги ва қардошлигининг ёрқин байрамига, совет халқлари дўстлиги ва қардошлиги байрамига айланди. Фестиваль республикадаги мингминглаб меҳнаткашларнинг қалбларида чуқур ва эзгу из қолдиришига, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини, гражданлик активлигини янада кучайтириши, коммунистик бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал этиш учун уларга янги куч бағишлаши шак-шубҳасиздир. Фестиваль янги салмоқли асарлар яратилишига шубҳасиз кўмаклашади, Ўзбек ёзувчиларининг Москва, Ленинград, барча иттифоқдош республикалар ёзувчилари билан ижодий алоқаларини янада кўпроқ активлаштиради.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. И. Суровцев, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Р. Х. Ҳамзатов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари «Литературная газета»нинг бош редактори А. Б. Чаковский, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Знамя» журналининг бош редактори В. М. Кожевников, грузин шоири Ираклий Абашидзе, қолмиқ халқ шоири Давид Кугультинов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари А. Н. Чипуров, москвалик адабиётшунос З. С. Кедрина, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Г. А. Ахунов, самимий қабул учун, адиблар шанига айтилган эзгу истаклар учун миннатдорчилик изҳор этдилар. (ЎзТАГ).

Дунё овози
Чет эл хабарлари

АҚЛ-ИДРОК ҒАЛАБАСИГА ИШОНЧ

Ўроқ Л. И. Брежневнинг Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқи халқаро жамоатчиликда ғоят зўр қизиқиш уйғотди. Турли мамлакатлар нинг сиёсий ва жамоат арбоблари, чет эл оммавий ахборот воситалари шу нутқни тўла ёки унинг батафсил баённини эълон қилиб, Совет Иттифоқи тинчлик ишига астойдил содиқлигини, кескинлик юмшатишини чуқурлаштириш ва кенгайтириш интилаётганлигини яна бир бор зўр куч билан намойиш этмоқда, деб таъкидлайдилар.

Л. И. Брежневнинг Озарбайжон пойтахтида сўзлаган нутқи, деб ёзади Болгариянинг «Работническо дело» газетаси, Совет Иттифоқи чуқур тинчликсевар ва конструктив ташқи сиёсатининг табиий ривожи бўлиб, Советлар мамлакатининг ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш тўғрисидаги ғамхўрлигини акс эттиради. Бу нутқда СССР амал қилаётган ва ҳалқаро майдонда изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келаётган энг асосий позиция аниқ-равшан таърифлаб берилган. Тинчлик ва социализм бўлинмас эканлиги ана шу позициянинг моҳиятидир.

Чехословакия газеталари Л. И. Брежнев нутқини «Кескинликни юмшатиш, тинчлик ва ҳамкорлик учун актив курашайлик», «СССР қуролланиш пойгасини чеклаш тарафдори», «Асосий эътибор кескинликни юмшатиш сиёсатига қаратилган» деган катта сарлавҳалар остида эълон қилдилар.

«Жэньминь Жибао» газетаси «Л. И. Брежнев Ҳиндистон ва Хитой билан муносабатлар тўғрисида» деган сарлавҳа остида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқи тўғрисида Синьҳуа агентлигининг Москвадан юборган хабарини эълон қилди. Газета, жумладан, Л. И. Брежневнинг Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасидаги муносабатлар ҳақида айтган қўйидаги сўзларини келтиради: «Биз СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни, таъбир жоиз бўлса, соғлом ақл-идрок, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаат асосида нормаллаштириш, аста-секин соғломлаштиришни жуда муҳим иш деб ҳисоблаган бўлур эдик».

Л. И. Брежнев Москвада олий даражада ўтказилган Совет — Ҳиндистон музокараларининг якунларидан астойдил мамнунлиги изҳор қилди, деб ёзади Ҳиндистоннинг **«Нэшнл Геральд»** газетаси. Бу музокаралар ўз аҳамияти жиҳатидан Деҳли ва Москва ўртасидаги икки томонлама муносабатлар доираси билан асло чекланиб қолмайди, чунки иккала мамлакат ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари — тинчликнинг салмоқли омилидир, бу муносабатлар ядровий қуролсизланиш учун, Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилиш учун, Осиёда ва бутун дунёда хавфсизлик ҳамда барқарорлик учун қурашаётган барча мамлакатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Жазоирнинг АПС агентлиги қўйидагиларни уқтиради: Совет раҳбари мустамлакачилик ёки ярим мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, мустақиллик ва тараққиёт йўлига ўтган давлатларнинг халқаро ишлардаги роли ошиши керак деган фикрни билдирди. СССР бу мамлакатларнинг сиёсати дунёдаги вазиятга ҳайрли таъсир ўтказа олишига аминдир.

Совет Иттифоқи Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари билан тинч ва самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсатини изиллик билан ўтказиб келмоқда, деб хабар қилади Сурининг **Сана** агентлиги. Янги мустамлакачилик сиёсатини ўтказаётган империализм озодликка чиққан мамлакатлар бирлигининг ашаддий душмани эканини Совет раҳбари ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтди. Ғарбдан фарқли ўлароқ Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш учун бутун кучини сарфламоқда, озодликка чиққан мамлакатларнинг янги мустамлакачилик ва иркчиликка қарши, янги иқтисодий тартиб учун олиб бораётган курашини изчиллик билан қўллаб-қувватламоқда.

Япониянинг **«Асахи»** газетаси Л. И. Брежнев нутқини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзади: «Халқаро кескинлик юмшатилиши учун кўп йиллар ва ўн йиллардан буён курашиб келаётган Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш жараёни Осиёга ёйилиши керак деган фикрни билдирди».

«Вашингтон пост» газетаси Совет раҳбарининг кескинликни юмшатишни империализм масканидаги тор фикрловчи, худбин сиёсатдонларнинг тилка-пора қилиши учун ташлаб қўйиш асло мумкин эмаслиги тўғрисида айтган сўзларини алоҳида келтиради. Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатишга нисбатан позицияси Бокуда яна бир бор таъкидланди, деб ёзади **«Нью-Йорк Таймс»** газетаси.

Финляндияда чиқадиган **«Кансан Уутисет»** газетаси Совет раҳбари Европадаги бетараф ва қўшилмаган мамлакатлар Мадридда ўйнаётган конструктив ролга ижобий баҳо берди ва бу ишда уларга янги муваффақиятлар тилади, деб уқтиради.

«Кескинликни юмшатишни ардоқлаш, ривожлантириш ва чуқурлаштириш керак» — бу Л. И. Брежнев нутқининг асосий мазмунидир, — деб таъкидлайди Ғарбий Берлинда чиқадиган **«Вархайт»** газетаси. — Кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш инсон ақл-идрокининг империалистик доиралар хатарли ва телбанамо агрессивлиги устидан қозонган ғалабаси бўлади. Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш ғалабасига ишонади, чунки у инсоннинг ақл-идрокига ишонади».

(ТАСС).

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

Боку, 26 сентябрь (ТАСС). Озарбайжон ССРга Ленин ордени топширилиши муносабати билан Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ва Министрлар Совети бугун қабул маросими ўтказдилар.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, Г. А. Алиев, К. А. Халилов, Г. Н. Сеидов, А. М. Александров, Л. М. Замятин, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолик ва кандидатлари, партия ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, фан ва маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар, жамоатчилик намояндалари ҳозир бўлдилар.

Ўртоқ Г. А. Алиев ҳозир бўлган кишиларни табриклаб бундай деди:

Республикага Ленин ордени топширилиши меҳнат ғалабасининг завқли байрамига айланди. Шу кунларда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетига меҳнат коллективларидан, ишчилар, колхозчилардан, зиёлилардан, аҳолининг ҳамма табақаларидан рапортлар, хатлар, телеграммалар келиб турибди. Леонид Ильич, уларда КПССнинг ички ва ташқи сиёсати тўла-тўкис ва астойдил қўллаб-қувватланаётганлиги изҳор этилган. Сизнинг келишингиз, республикага Ленин ордени топширишингиз шарафига халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш юзасидан янги социалистик мажбуриятлар олинганлиги хабар қилинмоқда. Бу — партия билан халқ чамбарчас бирлигининг яққол кўринишидир.

Озарбайжон меҳнаткашларининг Ленин ордени билан тақдирланган муваффақиятлари, деди у сўзини давом эттириб, катта байрам — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган бутун совет халқи улуғ зафарларининг бир қисмидир. Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, Совет ҳукуматининг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг актив, собитқадам, самарали фаолияти Советлар мамлакати ютуқларининг асосидир.

Ленинча миллий сиёсат, жамиятимизда қарор топган социалистик интернационализм принциплари, халқларнинг дўстлиги ва қардошларча ўзаро ёрдами улуғ рус халқининг барча миллат ва элатларга бегараз ёрдами Совет давлати қудратининг энг муҳим омилидир.

Ўртоқ Алиев Совет Озарбайжони тўғрисидаги, бутун совет халқининг фаровонлиги ҳақидаги доимий ғамхўрлик учун, ер юзида тинчлик таъминланаётганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, Ўртоқ Л. И. Брежневга самимий миннатдорлиги изҳор этди. У барча ғалабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси улуғ Ленин партияси учун, партия Марказий Комитети, Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси учун, Совет ҳукумати учун, ер юзида тинчлик учун, қудратли совет халқи учун, СССРдаги барча миллат ва элатларнинг мустаҳкам дўстлиги ҳамда қардошлиги учун, оғамиз — улуғ рус халқи учун, Леонид Ильич Брежнев учун қадаҳ кўтарди.

Қабул маросимда гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Гейдар Алиевич! Ўртоқлар!

Менинг шаънимга яхши сўзлар ғарчи очигини айтганда, шу дамгача жуда кўп айтилган бўлса ҳам бу сўзлар учун раҳмат.

Бокуга келганимнинг учинчи куни тугамоқда. Тез орада уйга, навбатдаги ишларга қайтиб бормоқ керак. Бу ердаги кунлар воқеаларга бой, ёрқин таассуротларга тўла, марокли кунлар бўлди.

Сизларнинг байрамингиз — республикага орден топширилиши хусусида ва сизларнинг меҳнатдаги ишларингиз, ютуқларингиз ва ҳали ҳал қилинмаган проблемаларингиз хусусида айтилиши лозим бўлган ҳамма гапларни шу кунлар ичида айтиб бўлдим, шекилли. Мезбонларга — Ўртоқ Алиевга, Халилов, Сеидов ўртоқларга ва республиканинг барча раҳбарларига меҳмондўстлик учун, биргаликдаги ҳамма тадбирларимиз жуда яхши ташкил этилганлиги учун чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирмоқчиман. Раҳмат сизларга азиз дўстлар!

Яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман.

Боку диёридаги мана шу уч кун ҳақида ўйлар экан-ман кўз олдимда минглаб, ўн минглаб — назаримда ҳатто юз минглаб кишилар Боку кўчалари ва майдонларига чиқиб, москвалик меҳмонни табриклаётганлиги намоён бўлади.

Булар — завқ-шавқли, қувноқ, шод-хуррам чеҳралар эди. Уларнинг кўзларидан самимий ҳарорат ва ҳурсандчилик учқунлари чақнаб турар эди. Партия билан давлат раҳбарлиги намоянда-сига нисбатан мана шу эзгу инсоний туйғулар тўлқини орқали совет халқимизни Ленин партияси тевараги-да жипслаштириб турган, Совет Социалистик Республика иттифоқининг енгилмас қудратига асос бўлган забардаст қучнинг намоён бўлаётганини фахмлайсан киши.

Республикангиз ғўзал ва унинг одамлари ҳам ажойибдир, ўртоқлар. Шу кундарда меҳмон бўлиб келганларга: «Хуш келибсизлар!» деб пешвоз чиққан барча кишиларнинг қўлини олиб саломлашиш имконини ҳеч тоза олмадим. Уларнинг ҳаммаларидан бирма-бир саломлашиш учун ҳатто қўл силкиш имконияти ҳам бўлмади.

Шу сабабли мен ҳозир шу ердан туриб, уларнинг ҳаммаларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман. Совет Озарбайжонининг ҳар бир ўғлига ва ҳар бир қизига меҳнатда кўпдан-кўп муваффақиятлар ва порлоқ инсоний бахт-иқбол тиламоқчиман.

Серқуёш республикангиз учун!

Озарбайжоннинг коммунистлари учун!

Сизларнинг соғлигингиз ва муваффақиятларингиз учун, ўртоқлар! — қадаҳ кўтаришни таклиф этаман.

* * *

Л. И. Брежнев ва Г. А. Алиев ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ БОҒБОН ВА САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Наманган областининг деҳқонлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми тарихий қарорларини амалга ошира бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанн авж олдириб, шу йилнинг оғир иқлим шароитларида сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева ва узумдан мўл ҳосил етиштирдилар, уларни йиғиштириб олиш, тайёрлашни уюшқоқлик билан ўтказдилар ва ана шу қимматли озиқ-овқат маҳсулотларини давлатга сотиш планини муддатидан илгари бажардилар.

Саноат корхоналарига, савдо тармоқлари ва Умумиттифоқ фондига 108 минг тонна сабзавот етказиб берилди., бу эса 102 процентни ташкил этади, 9,4 минг тонна ёки йиллик планнинг 118 процентн миқдорида картошка, 23,8 минг тонна ёки йиллик планнинг 108 процентн миқдорида полиз маҳсулотлари, 36,9 минг тонна ёки йиллик планнинг 108 процентн миқдорида ҳўл мева, 35,4 минг тонна ёки йиллик планнинг 101 процентн миқдорида узум топширилди. Умумиттифоқ фондига 51 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотн етказиб берилди.

Областнинг ҳамма районларн топшириқларнн бажариш ишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Косонсой, Наманган, Чортоқ, Поп, Задарё, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон районларидаги ихтисослашган хўжаликлар давлатга айниқса кўп миқдорда маҳсулот сотдилар.

Косонсой районидаги «Косонсой» совхози, Наманган районидаги Тельман номли колхоз мўл сабзавот, Задарё районидаги «Гулбоғ», «Украина», Поп районидаги «Поп» «Наймон» совхозлари мўл полиз маҳсулотларн, Янгиқўрғон районидаги «Нанай», Фрунзе номли совхозлар мўл ҳўл мева, Тўрақўрғон районидаги Ленин номли, Поп районидаги Узоқов номли совхозлар мўл узум ҳосили етиштирдилар.

Бу муваффақиятларга, партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зўр ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари натижасида колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларининг юксак меҳнат активлиги натижасида эришилди.

Мева-сабзавот маҳсулотларни сотиш ва унн Умумиттифоқ фондига етказиб бериш давом этмоқда.

Область меҳнаткашлари ўз имкониятларнни чамалаб кўриб, давлатга пландан ташқари 25 минг тонна сабзавот, 5 минг тонна ҳўл мева ва узум топшириш мажбуриятнни олдилар.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигнни муносиб кутиб олиш учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг барча турларнни етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан шу йилги мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.



Жанубий Вьетнамнинг Тэйнинг вилоятидаги Сайгон дарёсида «Заутиенг» йирик гидротехника комплекси қад кўтармоқда. Мамлакат халқ хўжалигининг муҳим объектларидан бири ҳисобланган бу иншоот қуриб битказилгач, асосий тўғоннинг узунлиги бир километр, баландлиги ўнларча метрдан иборат бўлади.

Тўғон ишга туширилгач, йирик сув омбори бунёд этилади. Унда қарийб 1,5 миллиард куб метр обн-ҳаёт тўпланади. Келгусида бу ерда боғдорчиликка ихтисослашган район ҳамда 172 минг гектардан иборат шоли плантацнялари ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Суратда: тўғон қурилиши.

ВИА—ТАСС фотосн.

Марҳ майдонда синалади

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

СУРЪАТГА—ҚАНОТ, ХИРМОНГА БАРАКА

28 СЕНТЯБРЬ ЭРТАЛАБИГАЧА РЕСПУБЛИКА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА ЖАМИ 2 МИЛЛИОН 540.545 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИЛДИ, УТГАН КУНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИНГАН ҲОСИЛ 161.016 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН 965.588 ТОННА ХОМ АШЁ ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАСИ БУНКЕРЛАРИДАН БУШАТИЛДИ.

Тошкент, Хоразм ва Бухоро областларининг меҳнаткашлари социалистик мусобақада пешқадамликни сақлаб келишяпти.

Мусобақа байроқдорларига тенглашинг! Теримда жадал суръат ва аъло сифат бўлсин!

Бухоро

Когон районидаги «Коммунизм» колхозидан Икром Тўхтаев бошлиқ бригада пахтакорлари юксак социалистик мажбуриятни бажардилар. **Давлатга 260 тонна хом ашё топширилди. Коллектив меҳнатчилари ўз имкониятларини кўриб чиқиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига мавсум охиригача яна 200 тонна пахта топширишга ҳамда ҳосилдорликни 65 центнерга етказишга аҳд қилишди.**

Олот районида юксак суръат таъминланяпти. Ўтган куни Энгельс номли колхозидан Ёдгор Ашуров ва Навоий номли колхозидан Саифи Алиевларнинг ҳар бири агрегатлари билан 14 тоннадан пахта териб беришди.

Қоракўл районидаги Карл Маркс номли колхозидан коммунист С. Жўраев бир кунда 16,5 тонна пахта териб, ўз ҳисобига 210 тонна пахта ёзди.

Сурхондарё

Ленинйўли районидаги Будённий номли совхоз меҳнаткашлари **областда биринчи бўлиб мажбурият ҳисобига ингичка толали пахта тошшира бошлашди. Тайёрлов пунктларига 8.277 тонна ипак пахта келтирилди. Гектаридан 35,7 центнердан қиммати хом ашё олинди.** Шунингдек, совхозда машина терими плани ҳам уддаланди. Хўжалик пахтакорлари мавсумда ипак пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиб, давлат хирмонига 10.404 тонна қимматли хом ашё топширишга аҳд қилишди.

Сурхондарё областида 28 сентябргача битта хўжалик, бешта бўлим, бир юз саккизта бригада пахта тайёрлаш йиллик планини адо этди.

Наманган

27 сентябрь куни область пахтазорларида 156 мингдан зиёд теримчи меҳнат қилди. **Уларнинг кунлик иш унуми ўртача 40 килограммни ташкил этди. Ўтган куни область далаларида 1020 та «зангори кема» ишлатилди.** Ҳар бир агрегат билан 3,4 тоннадан хом ашё териб олинди. Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Иўлдошали Алибоев, Поп районидаги «Правда» колхозидан Нашраб Тўраев, «Партия XXII съезди» колхозидан Оминахон Мирахмедова, Чортоқ районидаги Навоий номли колхозидан Камолиддин Шарипов каби механизаторлар мусобақада пешқадамлик қилишяпти. **Уларнинг ҳар бири ўтган куни ўз машиналари билан 13—15 тоннадан пахта териб беришди.**

Тошкент

Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли колхоз меҳнаткашлари **районда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш бўйича йиллик планни шараф билан уддалашди. Давлат қабул пунктларига 3.430 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Унинг 3 минг тоннаси машиналарда териб олинди.** Колхозда ҳосилдорлик гектарига 30 центнерни ташкил этди. Эркин Каримов, Қўнисбой Йўлдошев, Рўзибой Ботиров, Турғун Эгамбердиев, Набижон Фозилов бошлиқ бригадаларда гектаридан 31-39 центнердан хом ашё йиғиштириб олинди. Колхоз пахтакорлари юбилейолди мусобақасини авж олдириб, ҳосилдорликни 40 центнерга, ялпи хирмонни 4.620 тоннага етказишга сўз беришди.

Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхози 3.900 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик планни адо этди. **Улар ялпи ҳосилни 5 минг тоннага етказишга қарор қилишди.**

Самарқанд

Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхози меҳнатчилари давлатга уруғлик пахта топшириш бўйича йиллик планни бажардилар. **Тайёрлов пунктларига 412 тонна юқори сифатли ҳосил етказиб берилди.**

Областда **Каттақўрғон районидаги «Правда» колхозидан Баҳром Убайдуллаев ва Жомбой районидаги «Коммунизм» колхозидан Маннон Саломов** сингари механизаторлар мусобақанинг олдинги сафларида боришяпти.

Теримчилар мусобақасида бир кунда 305 килограмм пахта терган Зарбуви Олқорова пешқадамлик қилаётир. Зарбуви 9 тонналик хирмон уйиб, ўз мажбуриятини бажарди. **Чевар теримчи мавсум охиригача яна 6 тонна пахта термоқчи.**

Жиззах

27 сентябрь куни областда энг юқори суръат Октябрь районида бўлди — **бир кунда йиллик планнинг 5,36 процента миқдорида пахта топширилди. Шу райондаги Собир Раҳимов номли совхоз деҳқонлари кунига топширинкнинг 7—8 процента миқдорида пахта тайёрлаяптилар.**

Ўтган куни Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз механик-ҳайдовчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов 18 тонна пахта териб берди. Мавсум бошидан буён унинг ҳисобидаги хом ашё 100 тоннага етди.

Хоразм

Боғот районидаги Наримонов номли колхозидан **Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов ва СССР Давлат мукофоти лауреати Ҳожи Сандовлар** бошчилигидаги бригадалар дастлабки маррани эгалладилар. **З. Қурбонов бригадаси 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43,8 центнердан, Х. Сандов бошлиқ коллектив эса 42 центнердан пахта олдилар.**

Гурлан районидаги Киров номли колхозидан Қурёз Иўлдошев бошчилигидаги бригада **115 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан юқори сифатли хом ашё топшириб, юбилей йили планнин муддатидан илгари бажарди.** Азаматлар ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни 66 центнерга етказишга аҳд қилишди.

Сирдарё

Боёвут районидаги Пушкин номли совхозда еттита оилавий экипаж ишлаяпти. Ака-ука Аҳмадали ва Рўзибой Турсуновлар экипажи машина билан 195 тонна пахта териб, мусобақада пешқадамлик қиляпти. **Улар 27 сентябрь куни 21 тонна пахта теришди.** Ака-ука Худойқул ва Сувон Шерматовлар 10 тонна пахта тердилар. Улар ҳозиргача 190 тонна пахта териб олдилар.

Сирдарё районидаги «Шолиқор» совхозидан Ген Пак ва Тўрахон Давлатбеков бошлиқ бригадалар шоли тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятни бажардилар. Ҳар гектар майдондан 50 центнердан дон олинди.

Андижон

Бўз районидаги Тельман номли колхозидан **СССР Олий Совети депутати Офтобхон Турғунова бошлиқ комсомолёшлар бригадаси кунига 15-16 процентдан пахта тайёрлаяпти. Пешқадам коллектив 122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 60 центнердан пахта йиғиштириб олишга аҳд қилган.**

Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхозидан Холмирзаевларнинг оилавий звеноси мавсум мобайнида камида 50 тонна пахта териб бериш ташаббуси билан чиқди.

Область ғаллакорлари оширилган социалистик мажбуриятни муваффақиятли адо этишди. Давлатга 47 минг тонна, пландан ташқари 18 минг тонна дон сотилди.

Навоий

Навоий районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозидан **опасингил Муҳаррам, Малоҳат, Зулайхо ва Назира Ўсаровалар 27 сентябрь куни 767 килограмм пахта тердилар. Мавсум бошидан буён улар хирмонга 25 тонна дурдона териб бердилар.** Опа-сингиллар мавсум охиригача яна 20 тонна пахта теришга аҳд қилишди. Хатирчи районидаги Чкалов номли колхозидан **Х. Жумаева областда қўл терими бўйича пешқадамлик қилиб, бир кунда 360 килограмм «оқ олтин» терди.**

Навоий районидаги «Нарпай» совхозидан Ризо Авлоев ўз агрегати билан бир кунда 14 тонна ва Тоштемир Саидов 13 тонна пахта терди.

Навқирон область меҳнаткашлари Ватанга 15 минг тонна дон топшириб, бу борадаги оширилган социалистик мажбуриятни уддаладилар. Давлатга пландан ташқари 3,1 минг тонна дон етказиб берилди.

Қашқадарё

Нишон районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозида **механик-ҳайдовчи Қўлдош Дўстмуродов шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди. У ўтган куни ўз агрегати бункеридан 12 тонна ингичка толали пахта бўшатди. Моҳир механизатор терган жами ипак пахта 240 тоннадан ошиб кетди.**

Шу райондаги қўриқ Усмон Юсупов номли совхозда беш кишидан иборат механизаторларнинг комсомол-ёшлар отряди унумли ишлаяпти. Ҳар бир машина билан 6 тоннадан «оқ олтин» терилмоқда.

ҚҚАССР

Автоном республика тайёрлов пунктларига 200 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» келтирилди. Агар дастлабки 100 минг тонна учун 20 кун керак бўлган бўлса, **кейинги 100 минг тонна учун эса саккиз кун кифоя қилди.**

Қораўзак райони пахтакорлари кунига йиллик планнинг 3 процента миқдорида ҳосил топшириб, суръатга қаноат боғлашяпти.

Фарғона

Давлатга 181 тонна пахта топшириб, йиллик планни адо этдик! Фарғона районидаги «Фарғона» совхозидан Тўрабой Холматов бригадаси коллективи ана шундай демоқда. Бригада деҳқонлари СССР Конституцияси кунигача яна 17 центнердан пахта йиғиштириб олиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишмоқчи.

Киров районидаги «Бешариқ» совхозидан Салимахон Деҳқонова звеноси топширган пахта 10 тоннадан ошиб кетди. Тожиниса Жумановани**нг оилавий звеноси аъзолари ҳам улардан қолишмаяпти.** Жуманова қизлари Мастурахон, Нишоной, Олиятхон ва Мўътабархонлар билан бригаликда 15 тоннадан зиёд хирмон яратди. Уларнинг аҳди 30 тонна пахта териб беришдан иборат.

ПЕШҚАДАМЛАР

Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз пахтакорлари суръат отига қамчи босиб, кундан-кунга кўп пахта ҳосили йиғиштириб олмоқдалар.

Далаларда 10 та терим агрегати жавлон уряпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига 11—12 тоннага етказиб «оқ олтин» терилмоқда. Айниқса Турғунали Мамажонов, Муҳаммадали Қурбонов сингари суворийлар ўз агрегатларини моҳирлик билан бошқариб хирмонга барака киритишяпти. Ана шундай фидокорона суворийларнинг меҳнати туфайли жами ҳосилнинг 1700 тоннасини агрегатлар ёрдамида териб олишга аҳд қилинган. Хўжалик заршунослари юбилей йилида гектарлар ҳосилдорлигини 42 центнерга етказиб, она-Ватанга фақат аъло навли «оқ олтин» тортиқ этишмоқчи.

Шунингдек, Задарё районидаги «Укранна», Чортоқ районидаги «Ўзбекистон» совхозлари ва «Октябрь» колхозида ҳам пахта терими кундан-кунга қизғин тус олиб бораяпти. Мазкур хўжалик заршунослари жами ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан тезроқ йиғиштириб олиш мақсадида суръатга-суръат қўшиб ишлашмоқда.

Ғ. НИШОНОВ, Р. УММАТОВ.

«ОҚ ОЛТИН» ҚАТРАЛАРИ

ТАЪЗИМ

Бободеҳқон ҳар сафарги одати бўйича тонг отмасданоқ пахтазорга етиб келди. Етиб келди-ю, кўзларига ишонмай қолди: пахтазорга юлдузлар чамани ташриф бу юргандек эди.

—Тушими ё ўнгимми?

—Ўнгингиз, —жавоб берди саф-саф чаноқлар тилга кириб.

—Ўзларингиз ҳам қучоқларингизни «Олтин»га тўлдириб олибсизлар. Йўл бўлсин?

—Ҳузурингизга бормоқчийдик.

—Хизмат?

—Таъзим ,ёжо келтиргани.

—Нима учун?

—Умид билан ерга барака уруғини қадаганингиз, мурғак ниҳолликдан тепамизда парвона бўлганлигингиз, фарзандингиздай меҳр билан парваришлаганингиз... Хуллас, қарзимизни узиш учун!

Чаноқлардаги „лўппи-лўппи пахталарни икки қўллаб, яхши хиллаб этагига соларкан, Бободеҳқоннинг кўзларида шабнам томчилари ҳалқаланган-дек бўлди. Бу, севинч ёшлари эди...

УМР ҲАЙКАЛИ

Қош қорайганда теримчи йигит-қизлар пахтазорни тарк этиб, уй-уйларига қайтишди. Узоқ кун «оқ олтин» теришда гайрат кўрсатишган бўлса ҳам уларга чарчаш, ҳорғинлик бегона эди. Аксинча ҳашарчилар ўзларининг терган дурдоналарини ҳисоб-китоб қилиб боришарди.

Жилғалар қўшилиб дарёлар ҳосил бўлганидек, мисқоллардан килограммлар, тонналар бунёд этилар экан.

—Ўн кунда терган пахтам минг килограммдан ошибди, —деди манглайндаги ҳоли ярашиб турган жиккаккина Назира.

—Сиздан атиги тўққиз килограмм орқада қолибман, —деди Хусанжон.

—Кўкка бўй чўзган тўрдек пахта бунтларини қаранг,—деб қолди ҳаяжон ила Рустамжон шерикларига. Йиғим-теримни бошлаган дастлабки кунимиз бу «оқ олтин» бунтларининг ўрни ship-шиддам эди.

Йигит-қизлар ҳавас билан осмонўпар пахта бунтларига қарашди.

—Уларда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бор, —деди кимдир кўпчилик қалбидаги фикрини ифодалаб.

—Бу «оқ олтин» тўғларини ажойиб ҳайкалга ўхшатгим келади, —деди яна бошқа биров.

Дарҳақиқат, бу гапга қўшилгим келди. Чиндан ҳам бугун пахтазор жасорат майдони, унда жавлон урган ҳар бир киши заршуносдир. Чаққон ва қадоқ қўллар бунёд этаётган жавоҳир тўғлари эса умр ҳайкалига қиёс қилгулик. Мен ана шу бунёдкор қўлларга ҳавас қиламан.

Кенжа ХАМРОЕВ.

ОППОҚ ДАЛАЛАР

ЧАНОҚЛАР ТАБАССУМИ

Далалар оқ-ҳарир чойшаб ёпинган. Оппоқ пахта минглаб чаноқлардан тошиб жилмайиб турибди. Атроф моҳир рассом қўли билан чизилган улкан полотнони эслатади. Ана, пахтазор ўртасида «зангори кема» вазмин сузиб боряпти. Бир, икки, уч, тўрт... Нариги далада яна шунча. Рулда пешонасини оқ дурра билан тангиган забардаст йигит. Унинг нигоҳи пахтазорга қадалган. Чойир, бақувват қўллари рулни моҳирлик билан бошқаради. Улкан агрегат бункери дам сайин оппоқ пахта билан тўлиб боряпти. Машина дала бошига чиққач, тележкага юкни агдариб, яна эгатга тушди.

Эгам Баҳоровнинг ҳисобича, 12-бункер бўшатилди. Вақт ҳали эрта. Шомгача яна 2—3 бункер терiш мумкин. Ўтган куни кечгача шунча терилган эди. Демак, иш унумли бўляпти. Бугун 15 тоннадан кам бўлмайди. У шу хаёллар билан яна дала бошига етиб қолди. Хирмонда совхоз директори Тўра Шодиев, партия комитетининг секретари Ғани Эгамов, бригада бошлиғи Шамат Алматовлар турарди.

— Ҳорманг, Эгамбой, — деди совхоз директори биринчи бўлиб қўлини унга чўзар экан. — Йигитнинг зўри, шу кунларда ўзини кўрсатади. Қойил қилдингиз. Ўтган беш кунликда 70 тонна пахта терибсиз.

— Мусобақада голиб бўлдингиз, —деди партком секретари ҳам мамнун жилмайиб. — Мана, вимпелни сизга топширамиз. Мавсум охиригача маҳкам ушланг, шунда марра сизники.

— Раҳмат, ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.—Механизатор шундай, дея қизил вимпелни қабул қилиб олди. Сўнг чаққон ҳаракат қилиб рулга ўтирди. Машина яна пахтазорга шўнғиди.

Унга зимдан тикилиб турган бригада бошлиғи Шамат Алматов ёнидагиларга қараб жилмайди.

—Азамат йигит-да, —деди гурур билан. — Бунақалар билан юкинг ерда қолмайди. Ҳаделмай 300 тоннани ҳам қойил қилади. Бунга ишончим комил.

— Ҳа, — леди Тўра Шодиев хаёлчан кўзларини даладан узмай. — Мана, машинанинг ишлашини қаранг. Тонгдан шомгача бир дам тиним билмайди. Кимки ҳосилни барвақт йиғиб олса, ютади. Кейинга қолса...

— Қолган ишга қор ёғар, — деди партком секретари олдинга бир-икки қадам ташлаб. — Ишни бўшаштирмаслик эса биага боғлиқ.

Улар шу тарзда суҳбатлашиб қўшни Очил Муродов бошлиқ бригада даласига ўтишди. Биз ҳам уларга эргашдик. Бу ерда ҳам терим агрегатлари жадал ишламоқда эди.

— Хўжалигимизда бу йил учта бригада коллективи 60 центнерлик маррани кўзлашган, — деди директор бизга қараб. — Бу ташаббуса Шамат Алматов бошлиқ бригада коллективи биринчи бўлиб қўшилган эди. Мана, бу бригада аъзолари ҳам шундай мақсад билан ишлашяпти.

— Дастлабки ҳисоб-китоб биринчи теримдаёқ 40 центнердан ошириб ҳосил олинаётганини кўрсатиб турибди, — деди бригадир Очил Муродов. — Фақат ҳосилнинг ҳаммасини сира нобуд қилмай йиғиштириб олсак бўлгани. Шунинг учун ҳам машина теримини икки сменада олиб боряпмиз.

— Совхозимизда учта терим-транспорт отрядига 20 та терим машинаси бирлашган, — дейди сўзини давом эттириб совхоз директори. — Ҳозир ҳар куни йиллик планнинг 5—6 процента миқдорида пахта тайёрланмоқда. Терим машиналарининг кунлик ўртача суръати эса 8—10 тонна.

Совхоз директори дала ишларининг боришини бамайлихотир тушунтирарди. Шу кунларда ҳар бир иш аниқ график билан олиб бориляпти. Чунки хўжалик деҳқонлари етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Далада терим машиналаридан ташқари чевар теримчилар ҳам гайрат билан меҳнат қилишяпти. Кунлик график бўйича 1800 дан ортиқ теримчининг ҳар бири кунига 110—120 килограммдан пахта термоқда. Демак, қўл кучи билан ҳам 2—2,5 процент миқдорида ҳосил тайёрланяпти.

— Ғалаба рапортига сентябрь ойида имзо чекиш ниятидамиз. Совхозимиз коммунистларининг аҳди шундай, — деди партком секретари ҳар бир гапни донадона қилиб. — Улар бошқош бўлган бўлим ва бригадалар бирин-кетин, йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, мажбуриятни ҳисобига ҳосил топширмоқдалар.

РЕЖА АНИҚ БЎЛСА

Совхозда шундай бригадалардан бирига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, моҳир пахтакор Шамат Алматов бошчилик қилади. Бригада деҳқонлари, мана бир ҳафтадирки, мажбурият ҳисобига «оқ олтин» етказиб беришяпти.

«Режа аниқ бўлса, кўзланган марра албатта эгалланади». Бу бригада саркорининг сўзлари. Олдиндари бу ерлардан 60 центнердан ҳосил кўтарилишига ҳеч ким ишонмасди. Мана, интилиш, изланиш бор жойда имконият ҳам топилар экан. Биринчи теримдаёқ ҳосилдорлик 40 центнердан ошиб кетди. Ҳаделмай, мўлжалланган юксак хирмон қад ростлайди. Бунга Шамат акаларнинг ишончи комил.

У механизаторлар тайёрлаш курсини битириб трактор рулига ўтирган пайтларда мана шу пахта майдонларининг ўрни чўлнинг ўзгинаси эди. Қарши дашти шу ердан бошланарди. Қишлоқдан нарида эса поёнсиз дашт ястаниб ётарди. Йиллар ўтган сари одамлар чўл ичкарилаб боришди. Яйдоқ чўл аста-секин чекинди. Оппоқ пахтазорлар, яшил боғ-роғлар табиат чиройини бутунлай ўзгартириб юборди.

У бу йилларда зўр иштиёқ билан трактор ҳайдади. Ўзига топширилган ҳар бир ишни сидқидилдан, меҳр билан бажарди. Омад ҳам интилганга кулиб боқади. У доимо юксакликка парвоз қилди. Ўн икки йилда ҳосилдорлик 60 центнерга етди. Ўтган беш йиллик якунида бригада коллективининг ҳар йили ўртача 50 центнердан хирмон кўтарганлиги маълум бўлди. Моҳир механизатор, уста пахтакор меҳнати муносиб тақдирланди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

У пахтазор оралаб боряпти. Ҳозиргина «зангори кема» ўтган ерларни синчиклаб кўздан кечиради. Ҳосил нобуд бўлмаяптими, пахта сифати яхшими? У шу ҳақда қайғуряпти. Бу йилдан бошлаб бригада пахтаси алоҳида қабул қилиб олиняпти. Эндиликда қайси бригададан қандай пахта топширилаётгани ойнадек равшан. Буромад, даромад ҳам ҳосил сифатига боғлиқ.

Мавсум олдида хўжаликда теримни қандай ўтказиш ҳақида маслаҳатлашиб олинди. Шунда Шамат Алматов ўз фикрини биринчи бўлиб ўртага ташлади.

— Тракторларни группа усулида ишлатиш билан бирга ҳар бир механизаторга алоҳида ер ажратиб бериш лозим, — деди у. — Шунда механик-ҳайдовчи пахта сифатига ҳам, нобудгарчиликка ҳам жавобгар бўлади.

— Тўғри фикр, — дейишди бошқа бригада бошлиқлари ҳам. — Механизаторларга иш сифати ҳисобига олинган ҳолда меҳнат ҳақи берилса, айни муддао бўлади.

Бамаслаҳат қилинган иш якуни мана энди қувончли натижалар беряпти. Ҳозиргача топширилган ҳосилнинг ҳаммаси фақат юқори сифатларга қабул қилинди. Қарши районидаги «Ленин йўли» совхози пахтакорларининг йиғим-терим олдидан белгилаган тадбирлари область партия комитети томонидан маъқулланди. Тадбирларда шундай сатрлар бор:

«Хўжаликда барча резерв ва имкониятлардан фойдаланилган ҳолда пахта тайёрлаш йиллик плани 25 иш кунида адо этилади. Бунинг учун ҳар бир агрегатдан юксак унум билан фойдаланилиб, терим икки сменада ташкил қилинади. Пахта сифати доимий эътиборда бўлади. Терим сифатини яхшилаш ва нобудгарчиликка қарши курашиш учун учта назорат группаси, иккита «Комсомол прожектори» ташкил қилинади. Ҳар бир механизатор ва теримчи масъулияти оширилади. Шу йўл билан етиштирилган ҳосилнинг 90 процента юқори сифатларга топширилади».

Марра — мусобақада ютиб чиққанники. Ўзаро беллашувда эса совхознинг Шамат, Алматов бошлиқ бригадаси пешқадамлик қиляпти. Фармон Пардаев, Рисолат Омонова, Тошбиби Раҳмонова бошлиқ бригада пахтакорлари ҳам суръат отига қамчи босмоқдалар. Бу бригада далаларида ҳам мажбурият ҳисобига ҳосил топшириш қизитиб юборилган.

— Юбилей йилида пахтакорларимиз зиммаларига катта мажбурият қабул қилганлар, — дейди совхоз директори. — Ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш нияти билан тер тўкилмоқда. Давлатга 8 минг тонна юқори сифатли пахта етказиб берилади.

Бу юксак хирмон учун курашда сўзи билан иши бир механизаторлар ғайрат кўрсатмоқдалар. Панжи Муродов, Султон Абдурахмонов, Ҳақберди Норчаев, Шермат Бойматов, Мардон Тошев каби механик-ҳайдовчилар кунлик суръатда пешқадамлик қилиб, эл хирмонига 200—250 тоннадан ортиқ «оқ олтин» тўкиш учун астойдил курашмоқдалар. Ўғил Салимова, Тожи Ҳаитова, Саломат Бобоева каби теримчиларнинг аҳди эса 12—15 тонна дурдона терiш.

Оппоқ пахтазорларда эл-юрт бойлигини тезроқ йиғиб-териб олиш учун кунлар тунга уланяпти. Фидойиликка фидойилик, жасоратга жасорат уланмоқда. Ҳар бир пахтакор ва механизаторнинг ғайрати, қалбининг кўри шу ҳайрли ишга—юксак «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишга сарф этиляпти.

Н. ТЎРАЕВ.

«Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.

Суратларда: 1. Совхоз партия комитетининг секретари Ғани Эгамов мусобақа пешқадами Шамат Алматовга кўчма вимпелни топширмоқда. 2. Илғор механизатор Э. Баҳоров.

Автор фотолари.

ТЕРИМЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Эрдон Ёдгоров Гиждувон районидаги Ленин номли колхозниг пешқадам бригада бошлиқларидан бири ҳисобланади. Бригадада пахта йиғим-терими қизғин бошлаб юборилганлигига анча кун бўлди. Аҳил коллектив тўрт иш кунидаёқ дастлабки маррани забт этди.

Бригадада асосан уруғлик пахта етиштирилади. Шу боисдан ҳосилнинг асосий қисми қўлда йиғиштириб олинади. Ҳозир бригадада чевар теримчилар кўп. Соҳиба Ёдгорова, Шоҳиста Иброҳимовалар ана шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири мавсумда 7—8 тонна дур териб беришга аҳд қилишган. Ўз ваъдаларига вафо қилиш йўлида бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашаётган дуголаар қабул пунктига ҳар куни 200—220 килограммдан дур тўкишмоқда.

Н. БОТИРОВ.

СУРУРИМ— ОЛТИН ПАХТАМ

Қуёш мўл жойда ахир
Еруғлик барқарордир,
Жонда — шу нур жилваси,
Қонда — сурур жавлони.
Шеърим аввал бошида
Ассалом сўзи бордир,
Менинг алп юртим буюк
Хирмон кўтарар они.

Шу ифор ҳаволарнинг
Сафобахш татимидан,
Беморнинг азиз жони
Офатдан бўлур нари.
Қийиқ тиккан қизларнинг
Ҳар нозик қатимидан
Белига қувват топур
Баб-баравар ёш қари.

Меннинг оппоқ пахтамдир —
Зарингор, ипак тола —
Байрам намойишида
Ол байроқ бўлиб ёнган.
Ернинг бирор бурчи йўқ
Унга бўлмаган вола.
Шу байроқдир жаҳоннинг
Умидига айланган.

Кузакнинг осмонида
Деҳқоним манглайини
Бир ажиб яриратиб
Кезиб юрипти қуёш.
«Оқ олтин»-ла кўтариб
Гўдаклар тенглайини,
Меннинг деҳқон диёрим
Мудом зафарга йўлдош.

Эрта бўлар тўйларнинг
Катта ашуласига
Шоир битмакда бу кун
Саодат термасини.
У кез юртим чўлгониб
Шарафлар шуъласига,
Кўк бўйи жаранглатур
Шодлик чилдирмасини.

Анвар ИСРОИЛОВ

Ўзбекистонда кўпмиллатли совет адабиёти фестивали — СССР 60 йиллиги — 1982 — Адабиёти фестивали

БУНЁДКОРЛИК ТАРИХИНИ ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистондаги кўпмиллатли совет адабиёти фестивали қадимий Орол соҳилларидан бошланиб, Қорақалпоғистон АССРнинг саноат корхоналари цехлари, деҳқонларнинг дала шийпонлари, студентларнинг аудиториялари, клублар ва концерт заллари, Фарғона водийси ва Зарафшон воҳаси бўйлаб ўтиб, республика пойтахтига етиб келди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган мана шу адабиёт байрамида қатнашмоқ учун Москва, Ленинграддан, қардош иттифоқдош республикалардан танқли сўз усталари, чет эллик меҳмонлар бу ерга келдилар.

Ёзувчилар 27 сентябрь куни Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Бу гуллар жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисига бўлган чуқур меҳр-муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром мужассамлашган. Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун ўз ҳаётини бағишлаган Номаълум солдат қабрига ҳам гуллар қўйилди.

Шу куни Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида Ўзбекистонда кўпмиллатли совет адабиёти фестивалига бағишланган байрами кечаси бўлди. Кечани СССР ёзувчилар союзи правлениесининг секретари, «Знамя» журналининг бош редактори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. М. Кожевников очди. У таъкидлаб айтдики, ҳозирги фестиваль Ватан адабиёти муваффақиятларини, унинг ҳалқ ёт билан, халқ ишлари ва юмушлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Шу нарса диққатга сазоворки, ёзувчиларнинг юбилей учрашуви Ўзбекистонда Совет давлатининг олтмиш йиллик юбилейи байрамига тайёргарлик туфайли умум халқ меҳнат ғайрати жўш урган, республиканинг улкан пахтаси учун кураш давом эта ётган ва бунёдкор, коммунистик жамият бинокори — совет кишисининг ажойиб характери алоҳида куч билан намоён бўлаётган кунларда ўтмоқда. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия, Доғистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Расул Ҳамзатов, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Анатолий Чепуров, грузин шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ираклий Абашидзе, чехословакиялик адиб Штефан Стражай, «Вопроси литературы» журналининг бош редактори Мстислав Козьмин, белорус ёзувчиси Вячеслав Адамчих, шоир Владимир Жуков, латвиялик шоира Рия Элексне, Туркманистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси Тошли Курбонов, тунислик тарихчи ва адиб Муҳаммад Хусин Фантар, Тожикистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Мўмин Қаноатов, шоир Юрий Кузнецов, қирғиз адиби Омар Султонов, Озарбайжон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Наврўз Жобир, қалмоқ халқ шоири Давид Кугультинов, Польша Халқ Республикасининг ёзувчиси Анжей Пшепковский, шоирлардан Лев Ошанин ва Абдулла Орипов кечада сўзга чиқиб, ана шуни уқтириб ўтдилар. Улар ўзларининг, бутун куч-ғайрати ва истеъдодини КПСС XXVI съезди тарихий режаларини, СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бағишлаётган ишчилар, колхозчилар, зиёлилар билан бўлган учрашувлар ҳар бир адабиёт арбобига бебаҳо ҳаётий материал бераётгани, замондошларимизга бағишланган янги асарлар яратишга илҳомлантираётганлиги ҳақида гапирдилар. Ёқ дафтарчаларининг ўнлаб саҳифалари ҳозирдаёқ ёзиб тўлдирилган, ҳозирдаёқ қизиқарли ўй-ниятлар туғилган бўлиб улар мужассам ифодасини қутмоқда, ҳозирдаёқ шеърий сатрлар пайдо бўлди, бу сатрлар бугун театрда янгради.

Байрам кечасининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Озарбайжон ССРга Ленин ордени топширишга бағишлаб Боқуда ўтказилган тантаналарда сўзлаган нутқи ёзувчиларнинг мамлакат барча меҳнаткашларининг ғайратига-ғайрат қўшганлигини таъкидладилар. Нутқда баён этилган йўл-йўриқлар ва истаклар барча маданият ходимларининг бундан буёнги ижодий фаолияти учун ажойиб йўлланмадир. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга, ядро фалокати олдини олиш учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашишга оғишмай интилаётганлиги Боқуда яна бир бор тасдиқланди, дейилди кечада, бутун совет халқи, социалистик мамлакатларнинг халқлари, планетадаги барча тараққийпарвар кишилар астойдил қўллаб-қувватлаётган бу сиёсат адибларни тинчликни ҳимоя қилиш учун, инсонпарварлик ва дўстлик ғояларини қарор топтирадиган янги асарларни яратиш учун бундан буён ҳам янада активроқ иш кўришга чорлайди.

Ўзбекистондаги фестиваль, унинг доирасида меҳнаткашлар билан учрашувлар, амалий суҳбатлар, деб таъкидлашди нотиқлар, ёзувчиларнинг ижодий изланишларида, совет турмуш тарзини, коммунистик ахлоқ нормасини, маънавий бойликларимизнинг гўзаллиги ва улуғворлигини пропаганда қилувчи асарлар устида иш олиб бораётганларида уларга ёрдам беради, КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларининг коммунистик қурилиш практикаси билан ижодий алоқалари тўғрисида»ги қарорини бажаришга хизмат қилади. Адабиёт байрами совет қардош халқларининг адабиётларини бир-бирига янада яқинлаштириш ва бир-бирини бойитиш йўлида муҳим босқич бўлиши лозим.

Кечада Ленин партияси, совет кишилари бунёдкорлик ишлари улуғворлигини, СССР Иттифоқи халқлари метиндек бирлигини шарафловчи шеърий сатрлар янгради.

Адабиётлар дўстлиги ва халқлар дўстлиги байрами — кўпмиллатли совет адабиёти фестивали давом этмоқда. Бу фестиваль партиянинг доно ленинча миллий сиёсати тантанасининг ажойиб намойишига айланмоқда.

(ЎзТАГ).

Иғим-терим ишлари қизғин давом этаётган шу долзарб кунларда Ёзёвон районидаги Охунбобоев номли колхоз бадиий ҳаваскорлик коллективи қатнашчиларини тез-тез пахтакор-деҳқонлар ҳузурида учратиш мумкин. Ҳаваскор санъаткорлар ўз репертуарларидаги жозибадор куй ва қўшиқлар билан терим суръатини тобора авж олдираётган дала меҳнаткашларини мамнун этмоқдалар.

Ушбу суратда бадиий ҳаваскорлик коллективининг дала шийпонидаги чиқиши акс эттирилган.

В. Баскаков ва Қ. Тошпўлатов фотоси.

РАССОМ—АДИБЛАР ДЎСТИ

Кўп миллатли совет адабиётининг Ўзбекистондаги фестивалига бағишлаб 27 сентябрь куни Тошкентда очилган кўргазмада китоблар, совет ва чет эл адибларининг асарларига чизилган расмлар қўйилган. Рассомлар союзининг кўргазма залида намойиш этилаётган бу виставка экспозицияси республикада полиграфия, китоб графикаси санъати ривожланишини идрок этиш имконини беради.

Кўргазманинг китоб жавонларида Леонид Ильич Брежневнинг ўзбек тилида зўр меҳр билан нашр қилинган асарлари қўйилган. Ўзбекистон, қардош республикалар ёзувчиларининг, таниқли совет ёзувчиларининг асарлари, шунингдек чет эл авторларининг кенг китобхонлар мулкига айланган асарлари ҳам бу ерга қўйилган.

Китоб графикаси стендлари хилма-хил. Рассомлар — график асарларининг муаллифлари китобхонлар қалбига йўл топа биладиган рангба-ранг расмлар чизганлар. Республика ёзувчиларининг асарларига қўплаб расмлар чизган Ўзбекистон халқ рассоми В. Кайдаловнинг, кўпгина халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг қатнашчилари И. Кириакиди, М. Кагаровларнинг асарлари бор. Ёш рассом Ф. Гамбаров ёш ёзувчилар асарлари тўплами — «Ўзбекистон мадҳияси»га иллюстрациялар чизди.

СССР халқ рассоми, СССР бадиий академиясининг мухбири аъзоси Р. Аҳмедов, Ўзбекистон халқ рассомлари Ч. Ахмаров, Л. Абдуллаев, Н. Қўзибоев ва бошқа кўплаб мўйқалам усталари Ўзбекистон адабиёт ва маданият арбоблари образларининг галереясини яратдилар.

(ЎзТАГ).

ҚУШЛАР — БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

ЧУҒУРЧИҚ

Ўлкамиз фойдали қушларга жуда бой. Улар турли-туман зараркунанда ҳашаротларни қириб, қишлоқ хўжалигига катта фойда келтиришади. Қуйида ана шундай фойдали қушлардан бири чуғурчиқ ҳақида ҳикоя қиламиз.

Чуғурчиқ чумчуқсимонлар туркумининг шақшақлар оиласига мансуб бўлиб, гавдаси 18—23 сантиметр, оғирлиги 100 грамм. Оёқлари бакувват, ерда ва дарахтда ҳаракатланишга яхши мослашган. Қанотлари узун, думи эса калта ва кенг, тумшуғи ўткир ва юпқа. Ранги қора бўлиб, майда оқ доғлар билан қопланган. Воғага етганларининг ранги яшил-қора аралаш товланиб туради. Нар модасидан каттароқ бўлади.

Бу қуш асосан Европа, Ўрта Осиё, Африка ва Австралияда тарқалган. Америкага эса Европадан олиб борилган. Чуғурчиқ эрта баҳорда февраль—март ойларида ўй-камизга учиб келади. Ўзбекистоннинг дарё водийлари, воҳалари, тоғ ўрмонларида учрайди.

Дарахт кавакларига, камдан-кам соз тупроқли жарликларга ва уйларимиз томи остига уя қуради. Уяни нар ва мода чуғурчиқлар биргаликда тайёрлашади. Уяга 4—7 тадан 2 маротаба тухум қўяди. Тухуми тиниқ ҳаворангда бўлиб, узунлиги 26—31, эни эса 20—23 миллиметр келади. Тухум босиш 14—15 кун давом этади. Тухумни нар ва мода чуғурчиқлар навбат билан босиб ётишади. Полапонлари патсиз ва кўзи юмуқ ҳолда тухумдан чиқишади. Уяни 20 кундан кейин тарк этишади. Шундан кейин чуғурчиқлар иккинчи марта тухум қўйишни бошлашади.

Чуғурчиқ — жуда ҳаракатчан қуш. Ерда юғуриб ёки қадам ташлаб юради. Лекин бошқа қушлар каби ҳеч қачон сакраб юрмайди. Улар гала-гала бўлиб яшашади. Тўлқинсимон эмас, балки қанот қоқиб, тўғри учишади. Чуғурчиқлар ҳашаротлар, қўққўғизлар, капалак қуртлари, ёввойи ўтларнинг уруғи ва мевалари, жўхори, шоли, буғдой, мош билан овқатланади. Айниқса итузумнинг мевасини хуш кўришади.

Олимларнинг ҳисоблашларича, битта чуғурчиқ ўз болаларини боқиш даврида бир суткада уяга 190 марта овқат ташийди. Чўлдардаги чигирткаларнинг 80 процентдан зиёдини чуғурчиқлар еб қуритади. Бу қушнинг табиий шароитда 20 йилча умр кўриши аниқланган.

Чуғурчиқлар сентябрнинг охири ва октябрда қишлаш учун Европа ва Осиёнинг жанубий томонларига, Африкага учиб кетишади. Куз иссиқ келган вақтларда бу қушни ноябрь ойида ҳам учратиш мумкин.

Чуғурчиқлар зарарли ҳашаротларни қириб, қишлоқ хўжалигимизга катта фойда келтиради. Шунинг учун ҳам боғларга уялар қўйиб, уларни қўриқлаш керак.

А. УМРЗОҚОВ, биолог.

СПОРТ

МАВҚЕНИ ЯХШИЛАБ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида республикамиз шарафини ҳимоя қилаётган Жиззахнинг «Звезда» коллективи иккинчи даврада ўйинда-ўйинга мавқеини яхшилаб боряпти.

Буни сўнгги бир неча учрашувлар яққол тасдиқлаб турибди. Сафарда икки учрашув ўтказиб, улардан уч очко билан қайтган жиззахликлар ўз майдонларида ўтказилган қўш беллашувда ҳам ўз ҳисобларига уч очкони ёзишга муваффақ бўлдилар. Ўтган турда «Звезда» футболчилари Воронеж шаҳрининг «Факел» клуби билан учрашиб, 1:1 ҳисобида дуранг ўйнашганлигини хабар қилган эдик. Бу сафар улар «Ротор» клубини ўз майдонларида қабул қилдилар. Учрашувнинг дастлабки минутларидаёқ ҳамюртларимиз ғалаба иштиёқи билан майдонга тушганликлари аён бўлиб қолди. Бу матч натижасида ҳам ўз ифодасини топди. Жиззахликлар «Ротор» командасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, қўш очкога эга бўлишди. Бу ғалабадан кейин «Звезда» ўйинлар жадвалида икки погона юқорига кўтарилди.

Бу турда биринчи ўринда бораётган Вильнюс шаҳрининг «Жальгирис» клуби ҳам қўш очкони қўлга киритди. Ўз майдонларида «Динамо» клуби билан беллашган вильнюслик футболчилар меҳмонлар дарвозасига жавобсиз битта тўп киритдилар. Натижада пешқадамлар ўз ҳисобларидаги очколарни 47 тага етказишга ва якка карвонбоши бўлиб олишга эришдилар.

Кишиневнинг «Нистру» командаси дуранг натижа билан кифояланишга мажбур бўлди. Кишиневликлар Одессада маҳаллий СКА клуби билан беллашишди. Бу учрашувда ҳисоб очилмади. Шунга қарамай, «Нистру» командаси иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Қолган учрашувлар натижасини эътиборингизга ҳавола қиламиз: СКА (Ростов) — «Гурия» — 2:0, «Даугава» — «Шинник» — 1:0, «Помир» — «Факел» — 2:0, «Колос» — «Спартак» — 2:0, «Металлург» — «Искра» — 3:0, «Таврия» — СКА «Карпати» — 1:0, «Заря» — «Локомотив» — 2:1, СКА (Киев) — СКА (Хабаровск) — 0:1.

Энди ўйинлар жадвалига бир назар ташланг:

	Ў	О
«Жальгирис»	35	47
«Нистру»	35	46
«Колос»	34	45
«Факел»	34	44
«Локомотив»	35	42
«Заря»	34	38
«Даугава»	35	38
«Помир»	35	38
«Металлург»	34	37
СКА (Ростов)	34	35
СКА «Карпати»	35	35
«Шинник»	34	33
«Звезда»	35	33
«Таврия»	34	32
«Искра»	34	32
«Гурия»	34	31
СКА (Одесса)	34	31
«Ротор»	34	30
СКА (Хабаровск)	35	29
«Динамо»	34	27
СКА (Киев)	34	17
«Спартак»	34	16

ПЕШҚАДАМ МАҒЛУБИЯТИ

Олий лига коллективларининг навбатдаги тур учрашувлари «Шахтёр» — «Динамо» (Минск) беллашуви билан ниҳоясига етди.

Хавфли зонада бораётган «Шахтёр» футболчилари учрашувни уюшқоқлик билан ўтказдилар. Улар биринчи бўлим ниҳоялай деганда ҳисобни очишга муваффақ бўлишди. Тўпни «Шахтёр» ҳужумчиси Петров дарвоза тўрига йўллади.

Динамочилар иккинчи бўлим бошларида ҳисобни тенглаштиришга эришдилар. Аммо орадан 15 минут ўтгач, «Шахтёр» яна олдинга чиқиб олди ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» ЖУРНАЛИ 50 ЁШДА

ШАРҚНИНГ НУРАФШОН ЮЛДУЗИ

1932 йил сентябрда Тошкентда Ўрта Осиё халқларининг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий «Советская литература» (1946 йил майдан «Звезда Востока») журналининг биринчи сони нашр этилди. Журнал Совет Шарқи миллий ёзувчиларининг минбари бўлиш билан бирга уларнинг ўз атрофига бирлаштириб, ҳақли равишда сўз усталарининг мураббийси, ғоявий-ижодий устози бўлди, улардан ўзларининг халқ олдидаги гражданлик бурчларини чуқур англаб етган жамоат арбобларини тарбиялаб етиштирди. Журналнинг ҳар бир сонида ўзбек ва рус, тожик ва поляк, грузин ва уйғур, қириз ва немис, форс ва қорақалпоқ, туркман ва украин ёзувчиларининг номлари, асарларини ёнма-ён кўриш мумкин эди. Қўҳна Шарқ маданияти бундай ҳолни илгари билмас эди. Шу тариқа миллий низо ва адоватлар, социал тўсиқлардан азоб чеккан халқлар адабиётида совет интернационалист ёзувчиси етишиб чиқди.

Агар «Звезда Востока» журналининг бир неча ўн йиллик сонлари блинадиган бўлса, уларни ўзбек совет адабиётининг ўзига хос антологияси дейиш мумкин. Рус ўқувчилари Ҳамза, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ўйғун, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Яшин ва Абдулла Қаҳҳорнинг совет классик адабиётига кирган кўпгина асарлари билан журнал орқали таништилар. Ўзбек прозаси, поэзияси ва драматургиясига бу сўз усталари киритган анъаналар журналнинг доимий муаллифлари ҳисобланган Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов, Шукрулло, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ижодида янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон адабиёти кўпмиллатлидир. Ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, корейс, ва татар тилларида шеърлар, романлар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар, очерклар ёзилмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, таржимачилик санъатининг роли ва аҳамияти каттадир. Журнал редакцияси маҳаллий авторлар билан бирга Москва ва Ленинград ёзувчи-таржимонларини ҳам бу ишга жалб қилмоқда. «Звезда Востока», теварагига юксак малакали таржимонлар активи тўпланган. Уларнинг иши қай даражада сифатли ва самарали эканлигини шундан ҳам билса бўладики, ўзбек ёзувчиларининг энг яхши асарлари журнал саҳифаларида босилгандан кейин Бутуниттифоқ миқёсида эътироф этилди. Поэтик асарлари учун Ленин мукофоти га сазовор бўлган Ғафур Ғулом кўп йиллар мобайнида «Звезда Востока»да мунтазам қатнашиб турди. СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган шоир Рамз Бобожон ва ёзувчи Ҳамид Ғулом ҳам журналнинг доимий муаллифидирлар.

Ҳаёти ва адабий фаолияти Ўзбекистон билан, Ўрта Осиё халқлари ва юмушлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпгина рус ёзувчиларининг ижодий услуби шаклланишида «Звезда Востока» журналининг роли катта. Бу ўринда Анна Алматинская, СССР Давлат мукофоти лауреати Сергей Бородин, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Михаил Шевердин ва Александр Удалов, шунингдек Андрей Иванов, Владимир Липко, Борис Пармузин, Наталья Буровалар номини биринчи бўлиб тилга олиш керак. Кези келганда Борис Лавренев, Константин Симонов, Анна Ахматова, Якуб Колас каби драматург, ёзувчи, шоирлар ҳам турли йилларда журнал билан фаол ҳамкорлик қилиб келганликларини эслатиб ўтиш лозим.

30-йилларда мамлакатимизнинг йирик адабий марказларидаги энг яхши ижодий кучларни журнал фаолиятига жалб этиш анъаналари Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам давом эттирилди. Алексей Толстой, Владимир Луговской, Всеволод Иванов, Корней Чуковский, Семен Кирсанов, Микола Терешченко, Эди Огнецвет, Василий Ян, Николай Вирта, Николай Ушаков, Лев Пеньковский, Владимир Державин каби кўп миллатли совет адабиётининг машҳур сўз усталари — шоирлари, ёзувчилари, драматурглари, таржимонлари ўша йилларда Тошкентда яшаб, ижод қилдилар. «Звезда Востока» журнали ўшандан бери қардош адабиётлар билан алоқани тобора кенгайтириб, мустаҳкамлаб келмоқда.

Осиё ва Африка адабий ҳаракати пайдо бўлиши ва ривожланиши билан «Звезда Востока» журналининг интернационал йўналиши тўбдан кенгайди. Тошкент бу адабий ҳаракат маркази бўлиб қолди. Монголия, Вьетнам, Жазоир ёзувчиларининг, шунингдек мустақил миллий тараққиёт учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши қурашаётган мамлакатлар прогрессив сўз усталарининг поэтик ва прозаик асарлари журнал саҳифаларида босилмоқда.

Журнал редакцияси КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини муваффақиятли амалга оширишда республика партия ташкилотига фаол ёрдам беришни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билади.

Журнал саҳифаларида янги беш йиллик бошлариданоқ «Ўн биринчи беш йиллик амалда» рубрикаси пайдо бўлди. Ана шу рубрика остида Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш, бу соҳага фан ютуқларини жорий қилиш, Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиёга ташлаш, янги ерларни ўзлаштириш, республикада саноат, транспорт, чорвачиликни юксалтириш, ишчи кадрлар тайёрлаш проблемалари тўғрисида очерклар, публицистик мақолалар эълон қилинди, қишлоқ ерларда маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган масалалар кўтариб чиқилди.

Адабиётнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш, ёзувчиларнинг бўлажак асарлари қаҳрамонлари билан мунтазам учрашиб туришларини ташкил этиш, беш йиллиқнинг актуал масалаларини ўз вақтида ёритиш мақсадида журнал қўриқ Жиззах областини оталиққа олди. Бу ерда адабий постнинг жамоатчилик совети ташкил этилди. Совет томонидан тайёрланган материаллар журнал саҳифаларида «Звезда Востока»нинг адабий пости Жиззах областида» рубрикаси остида эълон қилинмоқда.

Журнал саҳифаларида босилган туркум очеркларда Ўзбекистон ССР сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотлари коллективларининг РСФСРдаги Ноқоратупроқ зонани қайта қуриш ишига бераётган ёрдамлари ўз ифодасини топган.

Журналнинг 1982 йилдаги биринчи сонида «СССРнинг 60 йиллиги» янги рубрикаси пайдо бўлди. Қардош халқлар ўртасидаги дўстлик, Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг совет халқлари оиласида қўлга киритаётган ютуқлари ана шу рубрика остида ой сайин кенг ёритиб борилмоқда.

«Звезда Востока» Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг органи бўлиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда рус тилида нашр этиладиган энг йирик журналдир. 50 йил мобайнида журнал тиражи 10 минг 150 нусхадан 140 минг нусхага кўпайди.

А. БЕНДЕР, журнал бош редакторининг ўринбосари.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЯГОНА ҚЎРИҚХОНА

Бир группа маврикийлик ва чет эллик биологлар Маврикий шимолида жойлашган Кузн-де-Мир ва Ронд ороллaридаги ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганишни бошлади. Бу ороллар калтакесаклар ва илонларнинг энг камёб турлари яшаб қолган дунёда ягона қўриқхонадир. Қитъанинг қуруқликдаги бу сўнгги ҳайвонот дунёси қилинган тахминлардан бирига мувофиқ палеозой эрасида ҳам мавжуд бўлган. Бироқ мезозой эраси бошларида кейинчалик таркиб топган Африка, Австралия, Антарктида ва Индостан ярим оролига тарқалган. Бу оролларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ўрганиш Гондвана сирларини очишга ёрдам беришига олимлар умид қилмоқдалар.

АВТОМОБИЛЛАР КЎРГАЗМАСИ

Венгриянинг Сентеш ва Чонград шаҳарлари аҳолиси одатдан ташқари томошанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда ветеран-автомобилларнинг анъанавий халқаро кўриги бўлиб ўтди. Унга асримиз бошларида турли мамлакатларнинг автомобиль саноати ва фирмалари томонидан яратилган автомашиналар ва уларнинг эгалари тўпландилар. Бу машиналар Венгрияга «ўз оёқлари» билан етиб келгани йўқ. Улар бу ерга замонавий транспорт воситаларида келтирилди.

(ТАСС).

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Қишлоқ ҳақиқати ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ҳамда муассаса ва турар-жойларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Республиканинг қишлоқ жойларида обуна чекланмаган ҳолда ўтказилади.

Обуна баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин.

Обуна бўлиш ва матбуотни вақтида етказиб бериш юзасидан барча саволлар бўйича газета редакциясига, унинг жойлардаги мухбирларига, шунингдек, «Союзпечать» агентликларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Телевидение

ПАЙШАНБА

30 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 Мультфильмлар программаси.
10.05 «Горнчилар, қаердасиз!»
11.00 Гнесинлар номли Давлат музыка-педагогика билим юрти камер оркестрининг чиқиши.
11.25 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.25 РСФСРда хизмат кўрсатган артист К. Лисовский рус композиторларининг романсларини ижро этади.
12.55 «Она ҳақида диалог». Илмий-оммабоп фильм.
13.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси.
15.55 Воронеж шаҳар пионер ва мактаб ўқувчилари саройи «Ровесник» ансамблининг концерти.
16.40 «Подмосковье. Озиқ-овқат программасини амалга ошириш».
17.10 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи.
17.45 «Кипр бўйлаб». Кинопрограмма.
18.00 Кипр артистларининг концерти.
18.30 «Инсон. Ер. Коинот».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Болдино кузи». Концерт программаси.
20.00 Спорт программаси.
21.30 «Время».
22.05 «Сиз бунга қодирсиз!»
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 Балет артистларининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ўз юлдузингни асра». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Қадрдон ерда». Телеочерк.
21.30 «Время».
22.05 Ҳужжатли фильм.
22.15 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Динамо» (Москва). 2- ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади.
23.45 «Зара Долуханова». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Дарё». Ҳужжатли фильм.
12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий).
12.30 Зоология. «Ургимчаксимонлар».
13.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қизча ва юлдузча».
18.20 «Ёшлик» журнали — студиямиз меҳмони».
22.05 «Хирмонингизга барака».
19.00 «Фан» программаси.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қишки вақтга ўтамиз».
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти А. Орифжонов концерти.
21.30 Москва. «Время». «Иваснк-Телеснк». Кўғирчоқ фильмлар.
22.25 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Пахтакор» Марказий стадионида спорт байрами (17 сентябрда ёзиб олинган).
23.30 Янгиликлар.

«ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ» «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА» Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 06583 Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1126. 12